O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA

ILMIY-NAZARIY JURNAL

2025 / 7



ISSN: 2181 7804




JAHON
CHEMPIONATIDA!
FIFA


UZB UZB
1 0:51 2
O'ZBEK






SANOAT QURILISH BANK

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

2025/7

Бош муҳаррир
Рашид МАТКАРИМОВ

Бош муҳаррир ўринбосари илмий маслаҳатчи:
Ш.Ш. ГАЗИЕВ

Таҳрир ҳайъати таркиби:

Э.Т. Рахманов
Ш.С. Мирзанов
М.Х. Миржамалов
М.Ў.Арзиқулов
С.Б. Репкин
Бек Мун Жонг
И.П. Сивохин
Н.Т. Тўхтабоев
Б.К. Эримбетов
И.Б. Алиев
Л.П. Югай
Д.Х. Умаров
А.К. Эштаев
К.Ш. Зиядуллаев
Н.Ж. Исакулова
А.Б. Жуманиязов
М.М. Қирғизбоев

Таҳрир ҳайъати котиби

Ш.Х.Тоштурдиев
Б.А. Ишимов
Р.И. Исроилов
А.У. Рашидов
О.Е. Мамишев
А.С. Гонашвили

Техник таҳририят таркиби:

Н.Н.Ғаффоров
У.О. Азимова
Ш.Б.Алиева
М.Раҳмонов

fan-sportga.uz

Журналнинг телеграм канали

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ: ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ / ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ

А.У. Рашидов – Формирование оперативно-информационных моделей и логических приёмов в аналитической деятельности квалифицированных шахматистов. 3

Е.К. Близнецова – Научно-практическое обеспечение по совершенствованию самообороны женщин на базе единоборств. 7

Е.П. Скворцова – Воспитание и совершенствование скоростной выносливости у студентов образовательной программы «физическая культура и спорт» на учебных занятиях дисциплины «Полиатлон». 10

С.В. Ботяев – Стимулируемое развитие координационных способностей у студентов бакалавров образовательной программы «Физическая культура и спорт» на занятиях гимнастикой. 13

Р.А. Матчанов – Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини оширишда психологик ёндашув. 16

Ж.С. Сулаймонов – 15-16 ёшли волейболчиларда йиллик тайёргарлик даврида ўтказилган машғулотлар давомида куч ва тезкорлик-куч қобилиятларини ўсиб бориш динамикаси. 19

А.О. Абдалимов – Современные тенденции применения искусственного интеллекта в спорте. 24

М.К. Жуманиязов – Ёш регбичиларни тайёрлашда техник-тактик кўникмаларни шакллантириш. 27

Н.С. Курбанова – Анализ показателей отбора, используемых на этапе начальной подготовки бадминтонистов. 29

И.И. Мирзатиллаев – Енгил атлетика тўгаракларида ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишда IAAFнинг мусобақа дастурини қўллаш услубияти. 32

А.З. Ходжаев – Оғир атлетика машқларини техник жиҳатдан ўргатиш услублари. 36

Ф.А. Соловьева – Анализ управления цифровыми технологиями в фитнес индустрии. 39

Х.Х. Қурбонов – Ўрта масофага югурувчилар йиллик тайёргарлигида спорт формасининг шаклланиши ва ўсиш кўрсаткичлари таҳлили. 42

Ж.Р. Муратов., Э.С. Гаипов – Анализ приёмов в партере и стойке на соревнованиях по вольной борьбе среди взрослых. 47

К.Т. Шакиржанова – Научно-теоретические подходы к обеспечению гендерного равенства в сфере физической культуры и спорта. 50

Ш.Х. Ханкельдиев., С.Р. Ураимов – Мониторинг математической компетентности выпускников факультета физического воспитания с углубленным применением факторного анализа. 54

О.Х. Хасанов – 13-18 ёшли футболчиларни мусобақага саралашда психоэмоционал ҳолатнинг ўзига хос қиёсий таҳлили. 56

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

“FAN – SPORTGA”
илмий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети муассислигида чоп этилади

Таҳририят манзили:
111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси 19-уй. Формат 60x84 1/16. 84 саҳифа.
Босишга рухсат этилди: 26.07.2025

Журнал “DAVR MATBUOT SAVDO” МЧЖ босмахонасида нашр қилинди.

“MATBUOT TARQATUVCHI” обуна каталоги индекси: 1118

05.02.2018 йилда Тошкент шаҳрида оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Рўйхатга олиш рақами № 02-005 “FAN – SPORTGA” журнали 2004 йилдан нашр этилади.

Суратлар муаллифи:
Анвар Ильясов
Абдулло Файзуллаев

2025/7

Ғ.Т. Исмоилов – Малакали кикбоксчилар машғулот жараёнига қизиқишини шакллантирувчи омиллар. 60

Чжан Цзысюань., В.В. Клинов – Современное состояние и перспективы развития гребли на байдарках и каноэ в Китайской народной Республике. 63

А.А. Абдураззахов – Спорт-соғломлаштириш туризмида талабаларнинг умумий функционал ҳолати ва жисмоний тайёргарлик даражаси таҳлили. 68

Н.Д. Кайназаров – Развитие физической подготовки посредством симуляционных упражнений для лыжных гонщиков в возрасте 13-14 лет. 72

Н.О. Отегенов – Анализ двигательных характеристик тела юных тяжелоатлетов 14-16 лет. 75

А.Е. Шилманов – Ёш футболчиларда координация қобилиятини ривожлантиришда вестибуляр гимнастика воситаларининг ўрни. 78

А.Б. Хасанов – Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида касбий билимларини ва амалий кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий-услубий асослари. 82

Б.Ш. Рахматов., Л.Б. Собирова., Ғ.С. Хўжамкелдиев., И.М. Мамбетназаров., А.Р. Оталиева – Ёш каратэчиларни тайёрлаш жараёнида машғулотларни самарали ташкил этиш ва стратегик режалаштириш. 87

А.А. Турсунов – Замонавий волейболда тўпни қабул қилиб зарур зонага етказиш аниқлигининг ўрни ва уни барқарорлаштириш муҳимлиги. 90

Д.А. Омонов – Ёш боксчиларда чап қўл тўғри зарбаси жараёнида тананинг бурчак тезлиги ва зарба кучининг кинематик таҳлили. 93

Ш.У. Набиев – Талаба боксчиларнинг чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш жараёнида оёқ ҳаракатларининг кинематик таҳлили. 98

Ҳ.Д. Султонов – Спортчи талабалар (курашчилар)да вазн назорати ва замонавий методик асослари. 101

Ш.С. Тилавов – 14-15 ёшли триатлончиларининг куч-чидамкорлик тайёргарлигини такомиллаштириш. 104

М.Н. Эгамбердиев – Малакали кикбоксчиларда статик ва динамик режимларда мувозанат сақлаш турғунлигининг бир ўқув-машғулот йили давомида ўсиш суръати. 107

Ж.М. Шукурллаев – Мини волейбол спорт турини волейболга интеграциялаш вариативлиги акмеологияси. 111

А.К. Шарипов – Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши талабаларининг педагогик амалиётга касбий-педагогик тайёргарлик даражасини баҳолаш методларини такомиллаштириш. 115

Д.Э. Джурабаева – Профессор-ўқитувчиларнинг рационал турмуш тарзи ва морфо-функционал ҳолатига нисбатини сўровнома натижалари орқали таҳлил қилиш. 119

М.А. Ибрагимов – Спорт курашлари ва таэквондо спорт турларида эшитишида нуқсони бор спортчиларни тайёрлаш методикаларининг қиёсий таҳлили. 122

Q – тажриба – синов ишларида натижалари ҳисобга олинаётган гуруҳдаги талабаларнинг умумий сони.

Стъюдент – Фишер критериясига асосан натижаларни математик – статистик таҳлилларини ўтказдик.

Хулоса ўрнида шуни эътироф этиш жоизки, олинган натижалардан маълумки, тадқиқотдан олдинги натижаларга қараганда тадқиқотдан кейинги натижада ўсиш даражаси самарадорлиги юқорилилиги аниқланди. Юқорида кўрсатилган мазкур босқичлар шуғулланувчиларнинг жисмоний қобилиятини кичик волейбол машғулотлари воситасида қобилиятли позитив ўзгаришни интенсив таъминлайдиган муаммоли, интерфаол усуллари ва кўникмаларни ривожлантирувчи адаптив комплекс машқлар тизимидан ўқув машғулотларида, тегишлилиги бўйича дастур (йўриқнома) ларни тушунтириш ва йўналишлар беришда, волейболчиларни мусобақаларга тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Адабиётлар

1. «Маҳоратли ПЕДАГОГ» журнали. 2021 йил апрел 4-сон.
2. Шукурллаев Ж.М. Волейболга ёш талабаларни танлашнинг услубий хусусиятлари. Таълим фанлари бўйича академик тадқиқотлар. № 1. 2020 йил 2 октябр.
3. Shukurllayev J.M. “Sport mahoratini oshirish (Voleybol)”. Darslik Chirchiq “City of book”, 2023-240 b. UDK796/799.
4. Шукурллаев Ж.М. Талабаларни илмий ва касбий фаолиятга тайёрлашда акмеологик ёндашувнинг мазмуни. “ХАЛҚ ТАЪЛИМИ” илмий-методик журнали. 2023. № 5. Б. 28-30 б.
5. Кузмина Н.В. Акмеологическая теопия повышения качества подготовки специалистов облазования / Н. В. Кузмина. Москва: Исследовательский центп проблем качества подготовки специалистов, 2001. 144 с.
6. ЖМ Шукруллаев. 7-14 ёшли мактаб ўқувчиларини волейбол спорт турига танлаб олишнинг методик хусусиятлари. - Муғаллим, 2019 2-сон, 153-156 б.
7. Ernazarova G.O., Islamova M. Sh. O’quvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda akmeologik yondashuv. Monografiya., Chirchiq: 2020. -204b.
8. Шукурллаев Ж.М. “Мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашувнинг дидактик асослари (волейбол спорт тури мисолида)” (PhD) диссертацияси Чирчиқ-2023.
9. Педагогическая акмеология: коллективная монография / под. ред. О. Б. Акимовой; ФГАОУ ВПО. «Рос. гос. проф.-пед. ун-т». Екатеринбург: 2012.-251с.



Педагогика фанлари номзоди., доцент
А.К. ШАРИПОВ[1]
[1]Маъмун университети
Хива шаҳри, Ўзбекистон

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТГА КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация

В данной статье рассматриваются современные методы оценки уровня профессионально-педагогической подготовки студентов, обучающихся по направлению физической культуры и спорта, к педагогической практике. Анализируются основные подходы к диагностике педагогических компетенций, их эффективность и применимость в образовательном процессе. Особое внимание уделяется комплексному подходу к оценке, включающему теоретические, практические и рефлексивные методы. В результате исследования предложены рекомендации по совершенствованию методик оценки, направленные на повышение качества подготовки будущих педагогов в сфере физической культуры и спорта.

Ключевые слова: *профессионально-педагогическая подготовка, оценка компетенций, физическая воспитания, спорт, педагогическая практика, методы, самооценка.*

Annotation

Ушбу мақолада жисмоний тарбия ва спорт йўналишида таълим олаётган талабаларнинг педагогик амалиётга касбий-педагогик тайёргарлик даражасини баҳолашнинг замонавий методлари муҳокама қилинади. Педагогик компетенцияларни баҳолашнинг асосий ёндашувлари, уларнинг самарадорлиги ва таълим жараёнида қўлланилиши таҳлил этилади. Назарий, амалий ва рефлексив методларни ўз ичига олган баҳолашга нисбатан комплекс ёндашувга алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқот натижасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бўлажак педагогларни тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган баҳолаш услубларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *касбий-педагогик тайёргарлик, компетенцияларни баҳолаш, жисмоний тарбия, спорт, педагогик амалиёт, методлар, ўз-ўзини баҳолаш.*

This article discusses modern methods for evaluating the level of professional and pedagogical preparedness of students pursuing education in the field of physical education and sports for their pedagogical practicum. The main approaches to assessing pedagogical competencies, their effectiveness, and application in the educational process are analyzed. Special attention is given to a comprehensive approach to assessment that incorporates theoretical, practical, and reflective methods. As a result of the research, recommendations were developed to improve assessment methods aimed at enhancing the quality of training for future educators in the field of physical education and sports.

Key words: *professional and pedagogical training, competency assessment, physical education, sports, pedagogical practice, methods, self-assessment.*

Кириш. Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши талабаларини педагогик амалиётга тайёрлаш олий таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу жараённинг самарадорлиги кўп жиҳатдан талабаларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини баҳолаш усулларини тўғри танлашга боғлиқ. Бугунги кунда талабаларнинг педагогик фаолиятга тайёргарлигини баҳолашга имкон берадиган кўплаб методикалар мавжуд, бироқ уларни қўллаш тизимли таҳлил ва замонавий таълим шароитларига мослаштириш зарурлигини тақозо этади.

Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши талабаларини педагогик амалиётга тайёрлаш тизимига

қўйилган талаб йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Касбий-педагогик тайёргарликни баҳолашнинг муҳимлигига қарамай бир қатор ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳамон мавжуд [3,5,8]. Тадқиқотимиз давомида адабиётлар таҳлили бизга, касбий-педагогик тайёргарликни баҳолаш билан боғлиқ қуйидаги муаммоларни аниқлаш имконини берди:

Ягона баҳолаш стандартларининг йўқлиги - турли таълим муассасалари турли мезонлар ва методикалардан фойдаланади, бу эса натижаларни холисона таққослашни қийинлаштиради.

Баҳолашнинг субъективлиги - айрим ҳолларда ўқитувчилар ва мутахассислар шахсий фикрларига асосланган баҳолар беришлари мумкин, бу эса натижаларнинг ишончлилигига таъсир кўрсатади.

Инновацион технологиялардан етарли даражада фойдаланилмаслиги - замонавий рақамли воситалар ва маълумотларни таҳлил қилиш усуллари талабалар тайёргарлигини баҳолаш тизимига ҳали тўлиқ жорий этилмаганлиги муаммоси мавжуд.

Амалий баҳолаш имкониятларининг чекланганлиги - чекланган вақт ва ресурслар шароитида талабаларнинг амалий кўникмаларини тўлиқ ташхислашни таъминлаш қийин.

Психологик омил - баҳолаш пайтидаги стресс ва ҳаяжон талабанинг ҳақиқий самарадорлигини пасайтириши ва диагностика натижаларини нотўғри кўрсатиши мумкин.

Қайта алоқаларни ташкил этишдаги қийинчиликлар - баъзи ҳолларда талабалар конструктив қайта алоқаларни олмайдилар, бу эса уларнинг касбий ривожланишини қийинлаштиради.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур: холисликни таъминлаш мақсадида ягона баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; субъективликни камайтиришда объектив мезонлар ва рақамли баҳолаш технологияларидан фойдаланиш; рақамли воситаларни, жумладан виртуал симуляциялар ва автоматлаштирилган таҳлил тизимларини фаол равишда жорий этиш; баҳолашнинг мослашувчан шаклларини, шу жумладан масофавий амалий машғулотлар ва педагогик фаолиятнинг видеоёзувини ишлаб чиқиш; талабаларни психологик қўллаб-қувватлашнинг тайёргарлик машғулотлари ва синов имтиҳонлари каби методларини жорий этиш; тескари алоқа тизимини кучайтириш лозим, жумладан ўқитувчиларнинг батафсил изоҳлари ва талабанинг портфолиосидан фойдаланиб, унинг ривожланишини кузатиб бориш лозим.

Ушбу мақола тадқиқотнинг долзарблиги, адабиётлар таҳлили, ўрганилган муаммоларни инобатга олиб, турли баҳолаш услубларининг афзалликлари ва камчиликларини аниқлашга, шунингдек, уларни таълим жараёнида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган.

Тадқиқотнинг мақсади жисмоний тарбия ва спорт йўналиши талабаларининг педагогик амалиётга касбий-педагогик тайёргарлик даражасини баҳолашнинг энг самарали методларини таҳлил қилиш ва асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг методлари:

1. Илмий адабиётлар таҳлили - талабаларни педагогик тайёрлашнинг назарий асосларини ўрганиш.

2. Анкеталаш ва сўровнома ўтказиш - талабаларнинг педагогик компетентлигига нисбатан ўз-ўзини баҳолаш даражасини аниқлаш.

3. Педагогик тажриба - турли баҳолаш усулларини синаб кўриш ва уларнинг таълим жараёнидаги самарадорлигини аниқлаш.

4. Кузатиш ва эксперт баҳолаш - кузатувлар ва экспертлар хулосалари асосида талабаларнинг педагогик фаолиятини таҳлил қилиш.

5. Маълумотларни статистик таҳлил қилиш - миқдорий ва сифат таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот натижаларини қайта ишлаш.

Жисмоний тарбия ва спорт таълимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда педагогик малакаларни такомиллаштириш, талабаларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини ташкил этишни тартибга солиш мақсадида улар эгаллаши лозим бўлган малакаларни ўзлаштиришнинг изчил мураккаблашиб бориши ва педагогик амалиётда ўқув ҳамда дарсдан ташқари фаолиятда амалий қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда гуруҳлар бўйича бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Биз тамонимиздан талабаларнинг асосий касбий-педагогик малакалари таҳлил қилиниб олтита гуруҳга ажратиб чиқилди. Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши талабалари педагогик амалиётни муваффақиятли ўтказишлари учун қуйидаги муҳим малакаларга эга бўлишлари лозим:

1. Методик малака - ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва мослаштиришни, самарали ўқитиш методларини танлашни ҳамда машғулотларни режалаштириш қобилиятини ўз ичига олади.

2. Коммуникатив малака - оғзаки ва оғзаки бўлмаган мулоқот воситаларини эгаллаш, ўқувчиларни рағбатлантириш ва интизомни сақлаб қолиш қобилияти.

3. Ташкилотчилик малакаси - ўқув жараёнини бошқариш, мусобақаларни ташкил этиш, машғулотлар хавфсизлигини назорат қилиш қобилияти.

4. Диагностик малака - ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш, тестлар ўтказиш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш.

5. Рефлексив маҳорат - педагогик фаолиятни ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўқитиш методларини такомиллаштириш ва танқидий фикрлашни ривo-

жлантириш қобилияти.

6. Ҳаракат ва намойиш қилиш малакаси - жисмоний машқлар техникасини эгаллаш, ҳаракатларни тўғри бажаришни кўрсатиб бериш ҳамда шуғулланувчилардаги хатоларни тузатиш қобилияти.

Касбий-педагогик тайёргарликни баҳолаш методлари

Тадқиқот давомида жисмоний тарбия ва спорт йўналиши талабалари педагогик амалиётни муваффақиятли ўташлари ва керакли билим, малака ва кўникмаларни эгаллашлари, баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мақсадида талабаларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш методларини уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

Методлар гуруҳлари	Тавсиф
Назарий методлар	Тест синовлари, имтиҳонлар, ёзма ишлар ва рефлексив иншоларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Талабаларнинг назарий тайёргарлик даражасини аниқлаш имконини беради.
Амалий методлар	Машғулотларни кузатиш, дарс видеоёзувларини таҳлил қилиш ва амалий имтиҳонлар ўтказишни ўз ичига олади. Талабаларнинг педагогик кўникмалари қай даражада шаклланганлигини баҳолаш имконини беради.
Ўз-ўзини баҳолаш ва рефлексия методлари	Анкета сўровлари ўтказиш, педагогик кундаликлар юритиш ва суҳбатлар ўтказишни ўз ичига олади. Талабаларга ўз ютуқларини таҳлил қилиш ва билимдаги бўшлиқларини англаш имконини беради.

Назарий методлар – талабаларнинг назарий тайёргарлигини аниқлашга қаратилган бўлиб, тест топшириш, имтиҳонлар, ёзма ишлар ва рефлексив иншоларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Тест синовлари талабаларнинг билим даражасини ва уларнинг назарий тушунчаларни амалиётда қўллаш қобилиятини холисона баҳолаш имконини беради. Оғзаки ва ёзма имтиҳонлар ўқув материалларини чуқур тушунишни текшириш ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришга кўмаклашади. Рефератлар ва курс ишлари каби ёзма топшириқлар таҳлил қилиш, умумлаштириш ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиради. Рефлексив иншолар таҳлили талабаларга ўзларининг педагогик тажрибасини англаш даражасини, касбий ўсиш ва компетенцияларни ўз-ўзини баҳолаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бироқ, бу методларнинг чекловлари ҳам мавжуд: улар ҳар доим ҳам талабаларнинг амалий тайёргарлигини холисона баҳолай олмайди, шунингдек, имтиҳон пайтидаги стресс ёки ёзма ишларни бажаришдаги мотивация етишмаслиги каби субъектив омилларга боғлиқ бўлиши мумкин [4,6,10].

Амалий методлар - педагогик кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш имконини беради, дарс ўтказишни кузатиш, дарсларнинг видео ёзувларини таҳлил қилиш, амалий имтиҳонларни ўз ичига олади. Ушбу методларга қуйидагилар киради:

Машғулотларни кузатиш – ўқитувчилар ва мутахассислар дарс жараёнида талабанинг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиб, унинг ўқувчилар билан мулоқот қилиш, материални тушунтириш ва ўқув жараёнини бошқариш қобилиятини баҳолаш методи.

Дарс видеоёзувларини таҳлил қилиш - талабаларга ва ўқитувчиларга педагогик фаолиятни чуқур ўрганиш, хатоларни аниқлаш, ўқитишнинг оғзаки ва оғзаки бўлмаган жиҳатларини таҳлил қилиш имконини беради.

Амалий имтиҳонлар - синов дарсларини ўтказиш, педагогик муаммоларни ечиш ва моделлаштирилан вазиятларда ишлаш орқали талабаларнинг ҳақиқий педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасини баҳолайди.

Амалий методларнинг афзалликлари:

Талабаларнинг ҳақиқий касбий малакаларини аниқлаш имконини беради.

Хатоларни тузатиш ва педагогик компетенцияларни такомиллаштириш имкониятини яратади.

Ишонч ва касбий маҳоратнинг ривожланишига кўмаклашади.

Камчиликлари:

Сезиларли вақт ва ресурс сарфини талаб этади.

Талабаларда стресс ҳолатини келтириб чиқариши мумкин, бу эса баҳолашнинг холислигига таъсир кўрсатади.

Амалий малакаларни баҳолаш мезонларини стандартлаштириш мураккаблиги.

Ўз-ўзини баҳолаш ва рефлексия методлар - талабаларда танқидий фикрлашни ривожлантириш ва уларнинг мустақил педагогик фаолиятга тайёрлигини баҳолашга қаратилган бўлиб, сўровномалар ўтказиш, педагогик кундаликлар юритиш ва суҳбатларни ўз ичига олади.

Анкета сўровлари талабаларнинг ўз компетенцияларини субъектив баҳолашлари ҳақидаги миқдорий ва сифат маълумотларини тўплашда ёрдам беради. Бу билим ва касбий малакалардаги камчи-

ликларни аниқлаш, шунингдек, уларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини белгилаш имконини беради.

Педагогик кундаликлар юритиш рефлексияни ривожлантиришга кўмаклашади, чунки талабалар ўзларининг педагогик фаолияти бўйича кузатувлари, ютуқлари, қийинчиликлари ва мулоҳазаларини ёзиб борадилар. Бу ўқув жараёнини чуқурроқ англашга ва ўз ўқитиш усулларини онгли равишда такомиллаштиришга ёрдам беради.

Суҳбатлар, айниқса чуқур интервьюлар шаклида, талабаларга ўз фикрларини ифодалаш, педагогик муаммоларни муҳокама қилиш ва ўқитувчилар ёки мутахассислардан фикр-мулоҳаза олиш имконини яратади. Бундай метод касбий фаолиятни танқидий идрок этишни шакллантириш ва ўз-ўзини таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Афзалликлари:

Ўз таълими учун онгли ёндашув ва масъулиятни ривожлантиришга кўмаклашади.

Танқидий фикрлаш ва ўз-ўзини таҳлил қилиш қобилиятини оширади.

Шахсий эҳтиёжлар ва таълимдаги қийинчиликларни аниқлаш имконини беради.

Камчиликлари:

Субъектив нотўғри баҳолашлар юзага келиши мумкин, бу эса маълумотларнинг ишончлилигига салбий таъсир кўрсатади.

Талабалардан ривожланган таҳлилий кўникмаларни талаб этади, бу эса таълимнинг дастлабки босқичларида мураккаблик туғдириши мумкин.

Кўп сонли талабалар маълумотларини қайта ишлаш жараёни вақт талаб қилади.

Турли баҳолаш усулларининг самарадорлигини таҳлил қилиш

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, назарий, амалий ва рефлексив методларни биргаликда қўллаш талабалардаги касбий-педагогик тайёргарлик даражасини энг тўлиқ баҳолаш имкониятини беради. Мисол учун, тест назарий билимларни аниқлашда самарали бўлса-да, амалий кўникмаларнинг тўлиқ манзарасини бермайди. Шу билан бирга, машғулотлар ўтказилишини кузатиш ва видеоёзувларни таҳлил этиш талабалардаги педагогик фаолиятнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш имконини яратади.

Хулоса. Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши талабаларининг касбий-педагогик тайёргарлигини баҳолаш назарий, амалий ва рефлексив методларни ўз ичига олган комплекс ёндашувга асосланиши лозим. Бундай ёндашув талабаларнинг педагогик амалиётга тайёргарлигини энг холис баҳолаш имкониятини яратади ҳамда уларда зарур касбий компитенсияларни шакллантиришга кўмаклашади.

Баҳолашнинг турли методларини комплекс қўллаш талабалардаги педагогик тайёргарликни ҳар томонлама ташхислаш имконини беради. Назарий методлар орқали талабаларнинг назарий билимлар ва педагогик ғояларни қай даражада эгаллаганлиги аниқланади. Амалий методлар эса талабаларнинг ўз билимларини ҳақиқий таълим муҳитида қўллай олиш маҳоратини баҳолашга хизмат қилади. Рефлексив методлар талабаларнинг ўз касбий фаолиятини англаши ва уни такомиллаштириш йўлларини излашига кўмаклашади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, педагогик амалиётнинг самарадорлиги талабаларнинг касбий-педагогик малакаларининг шаклланганлик даражасига бевосита боғлиқдир. Бу жараёнда мотивация, замонавий таълим технологиялари ва ўқитиш услубларини пухта эгаллаш, шунингдек, тез ўзгарувчан таълим муҳитига мослашиш ва ўз устида ишлаш қобилияти каби жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, талабаларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини баҳолашга тизимли ёндашувни қўллаш уларни келажакдаги касбий фаолиятга янада сифатлироқ тайёрлашга, таълим жараёни самарадорлигини оширишга ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ёш мутахассисларнинг касбий маҳорат даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 ноябрда “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, ПҚ-4877-сон қарори. Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 ноябрда “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-414-сон қарори. Lex.uz
3. Виноградова, Н. Ф. Педагогическая практика в профессиональном образовании. – Москва: Издательство Академия, 2019.
4. Григорьев А.П. Сущность функциональных умений будущих педагогов физической культуры и спорта // Современные проблемы науки и образования. – 2022. – № 5. science-education.ru
5. Магин, В. А. Модернизация системы профессиональной подготовки специалистов по физической культуре и спорту на основе инновационных технологий : автореф. дисс. … докт. пед. наук / В. А. Магин. – М., 2006.
6. Михайлова, Т. В. Оценка профессиональной компетентности студентов педагогических специальностей. – Екатеринбург: Уральский университет, 2021.
7. Кузнецов, И. А. Современные методы диагностики педагогических компетенций. – Новосибирск: Наука, 2022.
8. Sharipov A., Ko‘palov S., Jammatov J., Ro‘zmetov N. Jismoniy madaniyat ta’lim tizimida pedagogik amaliyot mazmuni va tizimini takomillashtirishda innovatsion texnologiyalar. Monografiya. UrDU. Urganch, 2013. 92 b.
9. Шарипов А.К. (2014) Инновационные технологии модернизации профессиональной подготовки специалистов по физической культуре. Материалы Международной научной конференции – journals.rta.lv 540-544.
10. Ямалетдинова Г.А. Педагогика физической культуры и спорта: курс лекций. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2014. – 244 с. elar.urfu.ru











